

**ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШ
ТҮҒРИСИДА ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР**

Мамажонова Камола Акрамовна

Жиззах давлат педагогика университети, таянч докторант

Аннотация

Ушбу мақолада ўқувчи ёшларни касбий ўзини-ўзи белгилашда айрим педагогик табдирларни қўллаш ва уларнинг таъсири түғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: касб-хунарга йўналтириш, комил инсон, мутахассис, халқ таълими тизими, ўқувчи-ёшлар, касб.

Ҳар қандай давлатнинг буюк куч қудрати ва порлоқ келажаги сўзсиз унинг таълим тизимида ўқувиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари сифати ва самарадорлиги билан ҳам баҳоланади.

Касб-хунарга йўналтириш ёшларнинг касбий ўзини-ўзи белгилашда хоҳиш-истаклари, майл-қизиқиши, қобилиятини ҳамда меҳнат бозоридаги вазият (халқ хўжалигининг ривожланиши имкониятлари) ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжарни эътиборга олиб, мажмуавий (комплекс) педагогик тадбирлар орқали уларга таъсир кўрсатишни тақозо этади.

1. Ушбу муаммонинг ҳаётдаги ечими муайян, кундалик турмуш онгимизда гуёки ўзгармас ақидалар тусини олган жўн, оддий кўринишдаги “инсон дунёга бир марта келади” деган тасаввурларимиз тарзидаги тушунчани фалсафий таҳлил қилишни тақозо этади. Чунки, фалсафий фикрдаги ноаниқлик амалий саъий-ҳаракатлардаги пала-партишилкларнинг ибтидоси сифатида намоён бўлиши табиий. “Бош бошлайди, оёқ ташлайди” деб бежиз айтилмаган. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсақ, шартли маънода инсонни икки марта дунёга келади дейиш мумкин. Яъни, биринчи бор гўдак бўлиб, инсонликка номзод сифатида дунёга келади, иккинчи бор эса тарбия таъсирида бекиёс кенг билим, малака, қўникмаларни эгаллаган, ёрқин ҳаётий мақсадга эга ва энг мушкул вазиятдан ҳам осон чиқа оладиган касб-хунарга эга мустақил комил инсон бўлиб яралади.

Бинобарин, инсонга сув ва ҳаво қанчалар зарур бўлса, касб-хунар ҳам шунчалик керак, у – зарурат, у – эҳтиёж. Бу ҳақда ёзма тарих манбаларидан бизгача етиб келган қуйидаги маълумот ғоят ибратлиdir. Ҳазрати Довуд подшолик пайтида халқининг ўзига нисбатан қандай фикрда эканлигини билиш мақсадида фақир мусоғир кийимида олис қишлоқдаги бир ним қоронғу уйга кечаси жой сўраб боради. Уни бир кекса онахон кутиб олиб жой беради. Ундан ўзини билдиримасдан ҳозирги подшоҳ ҳақидаги фикрини сўрайди. Шунда онахон кампир “ҳозирги подшо ахмоқ, унинг қўлида ҳеч бир хунари

йўқ подшоҳликдан кетса хор бўлиб очлиқдан ўлади” деб жавоб беради. Бу гапдан таъсирангандан шоҳ тахтига қайтгач, темирчилик хунарини мукаммал ўрганади. Ҳазрати Довуд темирчилар пири деган нақл ва унга атаб шу касб эгаларининг худойи қилишлари ҳозир ҳам касб-хунарни улуғлашнинг ёрқин намунаси сифатида элдан-элга ўтиб келмоқда. Ушбу ҳикоят, музофарлиги, буюклиги ва қурдати касб-хунар ҳатто подшоҳликдан ҳам юқори эъзозланишини тасдиқлайди.

2. Ёшлик – орзулар оғушидаги олам. Ёшлиқдаги орзулар баланд парвозининг эса чеки йўқ. Сирасини айтганда, сирли ва жозибалидир. У улғайган сари орзулари реаллашиб, ҳаётйлашиб, осмондан ерга туша бошлайди. Касб-хунари йўқ, лоқайд ва танбалларнинг юксак орзуларини ҳаёт шафқатсиз ва беаёв жазолайди. Ундей бўлса, инсоннинг юксак орзулардан воз кечиб, ҳаётнинг кундалик оқими билан яшай бошлагани маъқул эмасмикан деган савол туғилади кишида. Бироқ бундай тушунчадагилар бир кун келиб, барибир, умр суви бекорга оққани ва “ками” тўлмаганидан афсус чекадилар. Ҳаётда бундай тақдир эгалари қўплиги барчага аён. Уларнинг акси бўлмиш фаол ижодкор ва касб-хунарини мукаммал эгаллаган баркамол авлодлар эса жамиятнинг энг буюк саодати, халқнинг бунёдкор иродаси тимсолидир. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Касб-хунарсиз, ёки уни мукаммал эгалламаган мутахассислар, уларнинг ўрнидаги фаол, ижодкор ўз ишининг устаси бўлган мутахассисларга нисбатан жамиятга учдан икки ҳисса кам наф келтиради. Буни жамият миқёсига қўпайтирсақ, ачинарли манзарани гувоҳи бўламиз.

3. Шу ўринда буюк кишиларнинг касб-хунарга эга бўлиш ёки олдин таъкидланганидек, инсоннинг иккинчи бор дунёга келишида муҳим рол ўйнаган “Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар”, “Хунарли киши хор бўлмас”, “Хунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг”, “Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз”, “Ақл кўпга етказар, ҳунар-кўкка” каби кўплаб мақолларни ўқувчи ёшларга тушунтириш муҳим. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, табибларнинг давоси таъсири қилмайдиган бир хасталик бор – у касб-хунарга яроқсизлик хасталигидир.

Мазкур ҳикматларни айтишдан олдин келтирилган “Бош бошлайди, оёқ ташлайди” нақли ва касб-хунар ҳақидаги мақолларнинг теран уйғунлигини комил инсонни тарбиялаш муаммосига татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам “Бош” – халқ таълими тизими ўқувчиларни қандай йўлга бошласалар, кўп миллионлик ёшлар армияси уларнинг ортидан қадам ташлайдилар. Бу қадамларнинг нечоғлик зарбадор бўлиши эса ёшларимиз орзуларини рўёбга чиқарадиган муаммолар ечимини асослашни тақозо этади.

4. Ёшларимиз юксак орзуларини рўёбга чиқариб, уларнинг “ками”ни тўлдиришни таъминлайдиган “олтин хазина” борми? Бўлса у қаерда ва нимада? Бизнингча бор бу хазинани қайта-қайта таъкидлаганимиз, халқ таълими тизимида ёшларни касбга йўналтиришни бошқаришнинг ягона истиқболли тизимини яратишдан излаш зарур деб

ўйлаймиз. Бу тизимни демографик имкониятлар, мутахассисларга талаб, халқ хўжалигини ривожланиши имкониятлари ва молиявий имкониятлардан иборат дейиш мумкин:

Демографик имкониятлар – республика аҳолисининг истиқболдаги ўсиши ҳақидаги маълумотларни;

Мутахассисларга талаб – тури, сони, сифати, халқ хўжалиги тармоқлари, республика аҳолисининг моддий ривожланиши режаси ва таъминоти ҳамда касби бўйича тадқиқотлар асосида башорат қилинган контенгентни;

Халқ хўжалигининг ривожланиш имкониятлари – аҳолининг иш ўрни бўйича талаби, иқтисодий, табиий экологик, молиявий ва бошқа ижтимоий шароитларни ҳисобга олишни назарда тутади.

5. Халқ таълими тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари таълим сифати “об-ҳавоси”нинг сезувчанлиги юқори бўлган барометрига айланмоғи лозим.

6. Ўқув дастурлари режасини реал ҳаётга, истиқболли демографик башоратга асосланган илмий-услубий мезонлардан келиб чиқиб, саралаш натижалари бўйича танлаши ва тузиши зарурдир.

7. Халқ таълими зиёкорлари ўқувчиларнинг ҳам фикрини ўрганишнинг ташаббускорлари, ота-оналарнинг баъзи эътиrozларига тўғри маслаҳат беришдек қийин, бироқ жуда керакли ишни уddyalай олишлари муҳим ҳисобланади.

8. Ўқувчилар билимларни ютиб олувчи намат эмас, балки машъалдир. Уларни ёқиши, алганга олдириш ва алангани узлуксиз ушлаб туриш лозимлигини бугунги ҳар бир ўқитувчи нафқат ўзининг хизмат вазифаси ва ҳатто ватан олдидаги бурчи, эътиқоди ва касбий қисмати деб ҳис этишлари шарт.

Мазкур муаммоларни оқилона ҳал қилиш эса, халқ таълими тизими шароити – бу атtestat, гувоҳнома, диплом, илмий даража ва унвонлар бериш учун сарфланган вақт (йиллар) эмас, балки шахс учун доимий изланиш ва ақл заковат мулки самарадорлигини ошириш жараёнига сарфланган вақт бўлиб, давлатнинг буюк куч қудрати ва порлоқ келажагини ривожлантиришга қаратилган ёшларни касб танлашга йўналтиришнинг механизмини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ эканлигини унумасликни тақозо этади.